O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 30 июнь, № 129 (5044) Чоршанба

# ТАРАҚҚИЁТ, ОБОДЛИК, ФАРОВОНЛИК

**Фарғона вилоятида изчил амалга оширилаётганислоҳотлар туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижобий натижаларга эришилмоқда.**

Водийларни яёв кезганда...





**Ш**у йил май ойининг сўнгги кунлари эди. Телевизордаги ажойиб бир кўрсатув дилимга алоҳида ҳузур бағишлади. Телеэкранда Президентимиз Ислом Каримовнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Фарғона туманининг Миндонобод қишлоғидаги янги қурилган замонавий ҳовли-жой калитини эндигина қўлига олган Нишонбой ака Бобораҳимов хонадонидаги шодиёна дақиқалари тасвири. Янги уй соҳиблари ғоятда хурсанд. Уларга ҳамма қулайликларга эга бўлган, шинам, каттагина ҳовлили замонавий уй калити топширилган!

Юртбошимиз кўркам ҳовли-жойга синчковлик билан назар ташлар экан, мамнун бўлдилар ҳамда бу хил уй-жойлар қуришни янада такомиллаштириш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Дарҳақиқат, қишлоқ аҳли яйраб, кўкрагини тўлдириб нафас олиб яшайдиган даврлар келди. Халқимиз ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши керак!

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ халқимиз ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилган эди. Бу кўрсатма ҳамда йўл-йўриқлар қадам-бақадам ва изчил амалга оширилаётганини кўриб-билиб турибмиз. Миндонободдаги замон талаблари асосида қурилган ва эгасига ҳадя этилган кўркам уй ҳам ўша ҳаётбахш дастурлар асосида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳосиласидир.

Шу маънода, ҳозир Фарғона вилояти туманларида юқори суръатлар билан қурилаётган 700 дан зиёд уй-жойлар қишлоқ аҳли фаровонлигини ошириш йўлида бошланган улкан ишларнинг дебочаси, холос. Бунёдкорлик кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***НАМАНГАН** шаҳридаги "Тўқимачи саноат текстиль" масъулияти чекланган жамиятида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, матога гул босиш ҳам ўзлаштирилди.*

### Янги қувват ўзлаштирилди

Ҳозирда янги қувватларнинг ишга тушиши ҳисобига йилига 500 минг погон метр газлама тайёрлаш имконияти ўзлаштирилди. Шунингдек, қўшимча 18 та янги иш ўрни яратилди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда ички бозорга 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

Эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Наманган шаҳридаги саноат корхоналари томонидан 2 миллиард 160 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***БУХОРО** туманида момиқ сочиқлар ҳамда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Турхалработиқозитекс" қўшма корхонаси иш бошлади.*

### Экспорт — устувор кўрсаткич

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари, асосан, хорижга экспорт қилинмоқда. Айни пайтда ўттиз киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборлиси, туманда қўшма корхоналар сони 9 тага етиб, улар томонидан шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўпдир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН.** Яҳёбек Ғаниев раҳбарлик қилаётган "Андижон коммунал сервис" хусусий корхонаси иситиш қозонларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.*

### Беш ойда беш юз миллион сўм

Илгари бу хилдаги жиҳозлар валюта эвазига хориждан келтирилар эди.

Ҳозирда бу ерда 150 квадрат метрдан 20 минг квадрат метргача бўлган иншоотларни иситиш қувватига эга қозонхоналар ишлаб чиқарилмоқда. Буюртмачиларга эса жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Бозор талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот турларини кўпайтираётган жамоа яқинда томчилатиб суғориш жиҳозлари тайёрлашни ҳам ўзлаштирди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ.** "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида фермерларга турли русумдаги 114 та қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг асосида етказиб берилди. Шундан 65 таси "ТТЗ" русумли тракторлардир.*

### Фермерларга қулайлик

— Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади, — дейди Хатирчи туманидаги "Ғайбулла Тўраев" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Ғайбуллаев. — Яратилган қулайлик туфайли жорий йилда иккита "ТТЗ" трактори, ўт ўргич техникаси ҳамда культиватор харид қилдим.

Таъкидлаш керакки, бугунга кунгача вилоятда 543 та фермер хўжалиги "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" хизматларидан самарали фойдаланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, соҳа учун юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган босқичма-босқич, тизимли ишларда нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини кенгайтириш, улар учун зарур барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

## «ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ» МЕДИА-ФЕСТИВАЛИ

Тадбир

Бу эса ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолининг дунёқараши ва маънавияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг яққол ифодасини топди.

Тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда "Келажак-пресс" ҳудудий ёшлар марказларининг ижодкорлари учун "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган маҳорат сабоқлари тингловчилари таклиф этилди.

Юртимизда миллий матбуотни янада ривожлантиришга оид эзгу ишларда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг замонавий рақамли ахборот техника ва технологиялари билан таъминлаш, ёш мутахассисларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кенг кўламли ислоҳотлар, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тезкор ва холис етказишда бугунги кунда миллий медиамаконда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошмоқда.

Бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бир қатор ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва фестиваллар, семинар-машғулотларни ўтказиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Ф. Жере:**

## «Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ўз жўшқинлиги билан ажралиб турди»

***Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Дунё нигоҳи

Тадбирда Франциянинг сиёсий, парламент, иқтисодий, эксперт-таҳлилчи ва академик доиралари, хорижий давлатлар дипмиссиялари, халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО вакиллари иштирок этди.

Брифинг қатнашчиларининг эътибори Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даврида эришилган натижалар, жумладан, ШҲТ фаолияти самарадорлигини юксалтиришга йўналтирилган ташкилотнинг устувор вазифаларини амалга ошириш борасида қилинган салмоқли ишларга қаратилди. Ушбу йўналишда ШҲТнинг турли тузилмалари қарор қабул қилиш механизмларини оптималлаштириш ва замонавийлаштириш, Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг ишлаб чиқилиши, Ташкилотнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар санаб ўтилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқининг асосий мазмуни, хусусан, мамлакатимизнинг афғон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуслари, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ҳақидаги қарашлари билан таништирилди.

Маросимда сўзга чиққан **Гавр университети профессори, сиёсатшунос Пьер Шабаль** Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислигини юқори баҳолаб, бу даврда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, савдо ва сармоявий ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида энергетика, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига эътибор қаратди.

"Ўзбекистон томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар эвазига ШҲТ институтлаштириш ва халқаро сиёсатда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши борасида улкан натижаларга эришди. Тошкент саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, тенг ҳуқуқли аъзолар ҳисобига Ташкилотни кенгайтиришга хизмат қилувчи Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқлангани, АСЕАН, МДҲ билан ўзаро англашув меморандумлари қабул қилингани, шунингдек, ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзолангани ШҲТни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро турнир

## ЎЗБЕКИСТОН МУАЙ-ТАЙЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

***26 — 29 июнь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида муай-тай бўйича бўлиб ўтган X Осиё чемпионати унинг иштирокчилари ва уларни олқишлаб турган минглаб мухлисларга олам-олам таассуротларни туҳфа этди.***

Халқаро муай-тай федерацияси, Осиё муай-тай федерацияси, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муай-тай ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, Таиланд, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон каби ўндан ортиқ мамлакатдан 200 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

## Сервис инфратузилмаси ривожланмоқда

Бир рақам шарҳи

2010 йилнинг дастлабки чорагида хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ташкил этиш дастурини амалга ошириш мақсадлари учун

**4,4** миллиард сўм йўналтирилди.

***Бу мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам сервис хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш, шу орқали янги иш жойлари ташкил этиш, энг муҳими, соҳани сифат жиҳатдан ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.***



# ТАРАҚҚИЁТ, ОБОДЛИК, ФАРОВОНЛИК

**Фарғона вилоятида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижобий натижаларга эришилмоқда.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг Миндонободдаги янги уй соҳиби хонадонида бўлган мулоқотида шу маҳалла оқсоқолларидан бири таъкидлаб ўтганидек, бундан буёғига шу хилдаги уйларни олувчилар энди бир неча ойлаб уста боқиш, гоҳ цемент, гоҳ ёғоч-тахта, гоҳ ғишт ва шифер, гоҳ... мих қидириб ҳолдан тоймайдилар. Қурувчиларга талаб-истакларини айтиб турадилар, вассалом! Олтиариқда ҳам ана шундай уйлар кўплаб қуриляпти. Давлат томонидан қурилаётган шундай уйлардан бирига харидор бўлган бир боғбоннинг оғзи қулоғида.

— Икки ўғлимни бирин-кетин уйлантиришим керак эди, — дейди у. — Биттасининг ярми битган уйини бир амаллаб битиришимиз мумкин. Иккинчисига қачон уй қуриб битказарканман, деб бошим қотиб турувди, биздаям манавинақа уйлар қурилаётганини эшитиб қолдим. Туман раҳбариям "Бўпти, шу уйлардан бири сизга" деб, бошимни осмонга етказди. Отамиздан кўрмаган ҳимматни Президентимиздан кўряпмиз. Раҳмат!

Соддагина қилиб айтилган бу гаплар замиридаги миннатдорлик туйғуларини англаб олиш қийин эмас. Атрофимиздаги давлатларда ур-йиқит, хунрезликлар бўлиб турган бир пайтда бизнинг диёримиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, фуқароларимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги қутлуғ ишлари учун Юртбошимизга билдирилган эҳтиром сўзлари бу!

Бугунги кунда Фарғонада саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари изчил давом этяпти. Тегишли қарорларга кўра, хорижий инвестициялар жалб этилиши натижасида, ҳатто туманларда ҳам замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўтган биринчи чорагида Фарғона вилоятида Асакадаги автомобиль заводи учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган учта корхона бунёд этилди.

Фарғонада аҳоли бандлиги, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Баркамол авлод йилида вилоятда 91173 та янги иш ўрни яратилади. Ўтган чорак давомида эса қарийб 21000 та иш ўрни яратишга эришилди.

Бугун шундай бир ажойиб, инсонпарвар замонки, қўл узатсанг ниятингга етасан. Фақат иштиёқ, ғайрат-шижоат, ташаббускорлик бўлса бас. Касби-корим тақозосидан замонамизнинг қаҳрамонлари — очиқ чеҳрали, боши баланд боғбону ғаллакорлар, хизматчилару ўқитувчилар билан тез-тез учрашиб, гурунглашишга ҳаракат қиламан. Шуни мамнуният билан айтишим керакки, одамларимиз ўртасида кўтаринкилик, жўшқин уйғониш бор. Масалан, айтайлик, банкдан олинган кредит эвазига турли хил қишлоқ хўжалик техникаларига эга бўлган кўплаб фермерлар ёхуд тадбиркорлар оғзидан: "Давлатимизга раҳмат, оғиримизни енгил қиляпти" деган дуою олқишларни тез-тез эшитиб турамиз. Зеро, қутбарака, оммавий кўтаринкилик, меҳнат аҳлига давлат томонидан мадад қўли чўзилган юртдагина барча соҳаларда жадал илгарилаш бўлади.

Биргина мисол. Ипак шаҳри деб аталувчи кўҳна Марғилонни ким билмайди, дейсиз. Ўн саккизинчи аср ўрталарида бу қадим шаҳарга келган машҳур рус сайёҳларидан бири Марғилонни "гувала шаҳар" деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам шаҳардаги маҳкамалару бой-боёнлар уйлари истисно этилганда, Марғилон гувала ҳамда пахса деворлардан тикланган шаҳар эди.

Истиқлол йилларидагина шаҳарга бутунлай ўзгача қиёфа, кўрк ва чирой бахшида этилди. Хусусан, шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан Марғилон таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий янги бинолар, иншоотлар, маданият масканлари, ўқув юртлари, текис ва равон йўллар кўркам хиёбонлар... Буларни санаб адоғига етиш қийин.

Ялписига пайдо бўлган янгиликларнинг ҳаммасини марғилонликлар Мустақиллик неъматлари, деб биладилар. Республикамиз Президенти Ислом Каримов шаҳар юбилейи тантанасида сўзлаган нутқида Марғилон бундан кейин ҳам тараққиёт йўлидан боради, деган умидбахш сўзларни айтган эди. Бу гап амалга ошиб бораётганини шаҳар аҳли ўз кўзи билан кўриб турибди.



Ҳ. ПАЙДОЕВ ва М. ҚОДИРОВ олган суратлар.

...Воҳадан Фарғонага келган бир гуруҳ сайёҳлар Хўқанди латифда ҳам бўлишди. Улар орасида менинг икки касбдошим ҳам бор экан. Дарҳол уларни топиб бордим. Хоразмлик қадрдонларим ҳайратда эдилар.

— Мен уч йил нарёғида Қўқонда кўрган кўчалар, уйлар қани? — дейди меҳмонларимиздан бири. — Ҳамма жойда кўтарма кранлар, бульдозерлар... Юк машиналарининг тўхтовсиз гувиллаши.

— Сиз кўрган пасқам иморатлару эгри-бугри йўлларнинг умри поёнига етиб, янги, умрибоқийлари пайдо бўляпти! — дейман қандайдир ғурур билан. — Энг замонавий, энг қулайлари!

Чиндан ҳам, шаҳарнинг аксарият даҳалари улкан қурилиш майдонига айлангандай. 2012 йилгача Хўқанди латиф кўз ўнгингизда бутунлай янги, шарқона шаҳар сифатида намоён бўлади. Ҳозир бунёдкорлик ишлари туну кун давом этмоқда. Замонавий архитектура билан миллий меъморчилигимиз уйғунлашган ҳолда қад ростлаётган Қўқон шаҳри ҳам ҳадемай, мамлакатимиздаги энг кўркам, замонавий шаҳарга айланади. Шу ҳақда гап борганда, қўқонликлар "Шунақа шодумон даврлар ҳам келаркан-ку! Бундай улуғ ишларнинг тепасида турган Юртбошимизга минг раҳмат!" — дейишади ифтихор билан.

Фарғоналикларни тўлқинлантириб юборган яна бир қувончли гапни айтиб ўтишни истардим. Президентимиз шу йилнинг 1 июнида "Фарғона шаҳрининг 2020 йилгача бўлган Бош режасини шакллантириш тўғрисида" фармойиш чиқарди. Фарғоналиклар шаҳар равнақи учун кенг ва равон йўллар очиб берган бу тарихий ҳужжат учун республикамиз раҳбарига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Кўриниб турибдики, диёримизда мамлакатимиз раҳбариятининг муборак назари тушмаган гўшанинг ўзи йўқ. Қишлоқларга саноатнинг турли тармоқлари кириб келаётгани ҳам бир олам қувонч. Юртимизда халқ фаровонлиги тобора ошиб бораётганини ҳамма кўриб турибди. Буни унда-бунда вайсаб юрган сўқирларгина кўрмаслиги мумкин.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби, ҳамма жойда бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам маънавиятнинг таъсир кучини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Улуғ адибимиз Чўлпон ўз даврида "Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!" дея даъват этган эди. Юртбошимизнинг юқорида номи зикр этилган асари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди ташкил этиш ҳақида узоқни кўзлаб чиқарилган қарори Фарғона маънавиятчилари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Неча ўнлаб фарғоналик шоир ва ёзувчилар, олий мактабларнинг етакчи олимлари, санъаткорлар пухта ўйланган режа асосида аҳолининг турли қатламлари орасига кириб бормоқдалар. Олий мактаб талабалари ҳузурида бўлмоқдалар, маҳаллалар аҳолиси билан учрашмоқдалар. Бундай тадбирларда тарбиятлаб хонадонлар ҳамда ўсмирлар иштирокини кўзлаб иш юритилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан шу йилнинг ўтган чорагида таниқли адибларнинг деярли барча туман ва шаҳарларда аҳоли билан мароқли учрашувлари бўлиб ўтди. Айниқса, шу йил апрель ойида бўлиб ўтган уч кунлик шеърият байрами минглаб фарғоналик ихлосмандларни ғоятда мамнун этди. Айниқса, бу тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Анвар Обиджоннинг иштироки шеърият байрами файзига файз қўшди. Қалам аҳли билан бўлган учрашув кунлари халқимиз бадиий сўзга, яхши китобга нақадар чанқоқ эканлигини кўрсатди. Вилоят маънавиятчилари бундай мароқли учрашувларни изчил ўтказиб туришни режалаштириб қўйганлар.

Фарғона — азалдан улуғ санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар юрти эканлиги ҳаммага маълум. Бугунги кунда вилоятда "Фарғона адабий муҳити" деган ибора тез-тез тилга олиб турилади. Демоқчимизки, бу ерда ўз қалами билан эл оғзига тушган номдор адиблар, шоирлар, адабиётшунос олимлар баракали ижод қилиб келмоқдалар.

Янаям муҳими шундаки, бу ижодкорлар қаторига истеъдоди ярқ этиб кўзга ташланган умидли ёш шоирлар, носирлар дадил қадамлар билан кириб келмоқдалар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими тавсиясига кўра, ана шундай ижодкор ёшлардан тўрт нафарининг китоблари бепул нашр этилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг мадади билан яна 65 нафар ёш ижодкорнинг шеър ва ҳикоялари ҳамда турли жанрлардаги асарлари жамланган "Ҳайрат булоқлари" ва "Фарғона куйлайди" китоблари чоп этилмоқда. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Баркамол авлод йилида Фарғона ёшлари ўз камолларини бутун юртимизга кўрсата олади, деб баралла айтишимиз мумкин.

Хуллас, вилоятда барча жабҳаларда шу каби умидбахш воқеаларни кўриб, Фарғона тараққиёт, ободлик, фаровонлик ва бунёдкорликнинг ойдин йўлларидан шахдам қадам ташлаётганидан ҳар бир киши чин дилдан қувониши шубҳасиз. Чунки бу йўл — халқимизнинг эзгу ниятларига етказадиган йўлдир.

**Охунжон ҲАКИМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# «ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ» МЕДИА-ФЕСТИВАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Озод юрт тўлқинлари" анъанавий медиа-фестивалидан кўзланган асосий мақсад — юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат телерадиоузатувчиларнинг ривожланиши ва сифатли материалларнинг кўпроқ яратилишга имкон яратиш, аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш борасидаги фаолиятни кучайтириш, электрон медиатармоқда соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, журналистларнинг касб маҳоратини юксалтириш орқали жамиятимизни тезкор ва холис ахборот билан таъминлашдан иборат.

Фестивалга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги ҳудудий телерадиостанциялар журналистларидан келган ижодий ишларни баҳолашда таҳлилий-маърифий, иқтисодий йўналишдаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг тайёрланиши, эфирга узатилаётган материалларда ёшларнинг ҳаёти, фаолияти, эзгу орзу-интилишларининг ўз ифодасини қай тарзда топаётгани, тезкор, холис ва ҳаққоний материаллар яратишга яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда материалларнинг сифати, савияси, кўтарилаётган мавзунинг долзарблиги, ахборотнинг миллий манфаатларимиз ҳамда томошабинларнинг талаб ва эҳтиёжига мос келиши каби жиҳатларга асосий мезон сифатида ёндашилди.

Медиа-фестивалда турли номинациялар бўйича "Самарқанд — СТВ" телевизион ижодий уюшмаси (Самарқанд вилояти), "ТВ-Марказ" телевидениеси (Тошкент), "S-Iqbol" телевидениеси (Хоразм вилояти), "Тўрткўл-НРТ" радиостанцияси (Қорақалпоғистон Республикаси) ижодий жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларига дипломлар топширилди.

Фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш тизими мустаҳкам қарор топди.***

# ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Соҳа юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида ана шундай кадрлар тайёрланмоқда.

Айни кунларда мазкур даргоҳларда ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётир. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган тингловчиларга дипломлар топширилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

1992 йилда ташкил этилган мазкур академия битирувчилари ўтган йиллар мобайнида тегишли мутахассислиги бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун зарур билим ва кўникмага эга бўлди.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Ўткирбек Юнусов. — Бу шарафли бурчни касб сифатида танлаган биз, ёшларнинг зиммасига эса янада улкан масъулият юклайди. Мен буни доимо қалбан ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламан.

Академиянинг олий академик курсларида раҳбар кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу курсларда олий юридик маълумотга эга мутахассислар малакасини оширади. Мазкур курсларни битирган офицерларга жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси квалификацияси берилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Яхши хабар

***Маълумки, йод танқислиги инсон организмида кўплаб хасталикларни келтириб чиқаради. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли ўртасида йод танқислигининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.***

# ЙОДЛАНГАН СУВ — САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Бу борада истеъмол учун ишлаб чиқарилаётган йодланган ош тузининг аҳамияти катта.

Яқиндан бошлаб мамлакатимизда йодланган ичимлик суви ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Пойтахтимиздаги "SMILE-LUX" очиқ акциядорлик жамияти мутасаддилари ана шу хайрли ишга қўл уришди. Йодланган газли ва газсиз ичимлик суви ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган жамият жамоаси айни пайтда махсус идишларга қадоқланган ичимлик сувларини йод билан бойитиб, аҳолига тортиқ этмоқда. Эътиборлиси, экологик тоза, гигиеник соф, тегишли қоида ва меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу маҳсулотлар юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ф. ФУРҚАТОВ.**

**Ф. Жере:**

# «Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ўз жўшқинлиги билан ажралиб турди»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташкилот доирасида амалга оширилган ишлар, аслида, ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш йўлидаги пухта ўйланган ва мақсадли йўналтирилган тадбирлар эканлигидан далолатдир".

**Франциянинг Стратегик таҳлил институти президенти, Франция Миллий мудофааси олий тадқиқотлар институти директори ўринбосари Ф. Жере**нинг таъкидлашича, ушбу минтақавий ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган келгуси самарадорлигини мустаҳкамлаш борасида фаол иш олиб борилган Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даври ўзининг жўшқинлик хусусияти билан ажралиб турди. Шунингдек аъзо давлатлар ва кузатувчи мақомидаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга моликдир.

Ўзбекистон раислиги доирасида ушбу ташкилотнинг халқаро нуфузини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон томонидан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қабул қилинган чоралар муҳим саналади. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг афғон муаммосини бартараф қилиш, хусусан, ушбу жараёнда Афғонистонга қўшни бўлган давлатларнинг иштирок этиши зарурлиги ҳамда афғон халқига аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ёрдам кўрсатиш борасидаги ташаббуси ўта муҳим аҳамият касб этади.

"ШҲТ макони ўзида коммуникация алоқаларининг улкан истиқболга эга бўлган бозорини намоён этмоқда, — дея алоҳида таъкидлайди Ф. Жере. — Яқин келажакда ХХРдан бошланиб, Марказий Осиёдан ўтадиган ва Европагача етиб борадиган тезюрар поездлар билан таъминланган темир йўлни ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Шу жиҳатдан мен Ўзбекистон Президентининг, XXI аср глобаллашув ва улкан алмашинувлар даври бўлади, деган фикрига тўла қўшиламан. Шунинг учун ҳам замонавий коммуникацияни ривожлантириш зурурлиги долзарб масалага айланиб бормоқда".

**«Жаҳон» АА.**
Париж

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:***

— ёшларни, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароитлар яратиш;

— хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, айрим туманларда ва қишлоқ жойларда уларни касбга ўқитиш ишларини яхшилаш;

— ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли "оммавий маданият" таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 10 млн. сўм.**

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилар ҳужжатларини сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-9-ngo@inbox.ru электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:***

— аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, сув объектлари ва ҳаво муҳитининг ифлосланиши даражасини камайтириш;

— ногиронлар таълими ва уларни тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш, улар жамиятлари ва уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 8 млн. сўм.**

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар кузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилар ҳужжатларини сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-10-ngo@inbox.ru электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Корхонада ёнғин

***Хитой пойтахти Пекин шаҳри атрофидаги кимёвий корхонада ёнғин содир бўлди, дея хабар тарқатди "Синьхуа" ахборот агентлиги.***



Натижада маҳаллий "Yanfang Huaxing Warehouse Logistics" компаниясига қарашли мазкур муассаса иншоотларига жиддий талафот етган. Қурбонлар ва жабрланганлар йўқ. Ёнғинни бартараф этишга қарийб элликдан ортиқ ўт ўчириш бригадаси жалб этилган.

Ҳозирча ёнғин сабаби аниқ эмас. Мутасадди идоралар бу ерда тез ёнувчи хусусиятга эга ацетон кимёвий моддаси сақланганини маълум қилишган.

### 100 килограммлик танга

***Дунёдаги энг катта олтин танга Австриядаги кимошди савдосида сотилди.***

Уни Испаниянинг нодир металлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи "Oro Direct" компанияси 3,27 миллион еврога харид қилди. Танга Канадада тайёрланган бўлиб, оғирлиги 100 килограммга тенг. Унга қиролича Елизавета II тасвири туширилган. Кимошди савдоси ташкилотчиси "Dorotheum" фирмаси вакилининг сўзларига кўра, жаҳон бозорида олтин нархи ошгани боис танга қимматга сотилган.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ҳозир ушбу нодир металлнинг бир унцияси 1260 АҚШ долларига тенгдир.

### Самолёт йўқолди

***АҚШнинг Монтана штатида унчалик катта бўлмаган самолёт бедарак йўқолган.***



"Ассошиэйтед Пресс" хабарида айтилишича, Калиспелл шаҳридаги аэропортдан парвозни амалга оширган кичик ҳаво лайнери белгиланган вақтда қайтиб келмаган. Унинг бортида маҳаллий "Daily Inter Lake" газетасининг икки нафар ходими, учувчи ва яна бир киши бўлган.

Самолётни қидириш учун Монтана штати чегара кучларига тегишли вертолётлар жалб этилган.

### Ороллар сотилади

***Греция қарзлардан қутулиш учун ўз оролларини сотишга ёки узоқ муддатга ижарага беришга қарор қилди, дея ёзилади "The Guardian" нашрида.***

Ҳозир мамлакатнинг энг кўп сайёҳлар келадиган Миконос ҳудудидаги дам олиш масканлари ва бошқа объектлар сотувга қўйилган. Шунингдек, Родос оролини харид қилмоқчи бўлганлардан ҳам таклифлар олинган.

Таъкидлаш керак, жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз Грецияга жуда салбий таъсир кўрсатди. Айни пайтда юзага келган маблағ тақчиллигига барҳам бериш осон кечмаяпти. Ҳатто Европа Иттифоқи томонидан жорий йилнинг май ойида ажратилган 110 миллиард евро миқдоридаги кредит ҳам вазиятнинг ўнгланишига кафолат бўлмаяпти.

### Иш кучларида чеклов

***Буюк Британия ҳукумати мамлакатга иш излаб келувчи мигрантлар сони камайтирилишини маълум қилди.***



Хусусан, еврохудудга кирмайдиган мамлакатлардан келаётган ишчилар сони беш фоизга қисқартирилган. Бу тартиб кейинги йилнинг апрель ойига қадар амалда бўлиши айтилмоқда. Ундан кейин эса маълум бир юқори малакали мутахассислар учун белгиланган миқдорда иш жойлари очиш режалаштирилган.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатга йилига ўртача 33 минг киши ишлаш учун келади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# БИЛИМЛИ ВА ҲУНАРЛИ АВЛОД

## келажагимиз тараққиёт йўлини белгилаб берувчи қудратли кучдир

***Мамлакатимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида барпо этилган мактаб, лицей ва коллежларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, таълим соҳасида қўлга киритаётган ютуқларимизнинг салмоғи тобора ошмоқда.***

Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли таълим муассасаларининг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Бошқармамиз тасарруфидаги 4 та академик лицейда 4 та йўналиш бўйича 3 мингдан зиёд ўқувчи таълим олаётган бўлса, 48 та касб-ҳунар коллежида 36 мингдан зиёд ўғил-қиз 83 та йўналиш бўйича касб сирларини ўрганмоқда. Уларга 3 минг нафардан зиёд малакали ўқитувчи ва муҳандис-педагог сабоқ бермоқда.

Бундай шароит ва қулайликлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз касб-ҳунар, илм-фан ва спорт йўналишларида ўзларини кўрсатиб келишаётир. Масалан, 60 нафарга яқин билимли ва зукко ёшларимиз Республика фанлар олимпиадасида яхши натижаларни қўлга киритишди. Ўқув юртларимизнинг зарур лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши, уларда янги педагогик технологиялар жорий этилганлиги ушбу муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда ўқув юртларимизга

**Таълим**

Осиё тараққиёт банки ҳамда Япония ва Жанубий Корея давлатлари инвестициялари ҳисобига ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилганлигини айтиш зарур.

Бошқармамизда спортни ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг жорий йил 10 мартида бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида қизлар спортини, айниқса, бадиий гимнастикани ривожлантириш бўйича билдирган фикрларидан келиб чиқиб, муайян ишлар бажарилди. Масалан, аксарият муассасаларда бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этилди. Май ойида эса 10 та туман ва шаҳар ҳудудларидаги ўқув муассасаларида бадиий гимнастика хоналари фаолияти йўлга қўйилиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланди. Булар учун жами 59 миллион 270 минг сўм маблағ сарфланди.

Айни чоғда бадиий гимнастикадан сабоқ бераётган мураббийлар учун ўқув семинарларини ҳам йўлга қўйдик. Масалан, Гулистондаги "Алпомиш" спорт саройида бадиий гимнастика устаси Юлия Родимцева иштирокида бўлиб ўтган семинарда ўнлаб мураббийларимиз малака ошириб, ҳозирги кунда бу спорт турининг нафис жиҳатларини шогирдларига ўргатишмоқда.

Шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳам диққат-эътиборда бўлиб келмоқда. Бу борада, айниқса, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари қошида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳларнинг хизмати катта бўлаяпти. Хусусан, ушбу ишчи гуруҳлар томонидан битирувчи ҳамда ота-оналар билан ишга қабул қилувчи ташкилотлар иштирокида учрашув ва суҳбатлар ўтказилиб, ёшлар тўғридан-тўғри ишга қабул қилинмоқда. Ҳозирга қадар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 8600 нафари ўз мутахассислиги ёки унга яқин соҳа бўйича ишга жойлаштирилди. Айни чоғда академик лицейларни битирган 406 нафар ўқувчининг 131 нафари ишга қабул қилинганлиги ҳам эътиборлидир.

Хуллас, ёшлар замонавий ўқув жиҳозлари ва педагогик технологиялар билан таъминланган ўқув муассасаларида билимли, зукко ҳамда ўз касбининг устаси бўлиб камол топмоқда. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлодгина юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодирдир.

**Рустамбек ТУРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**

# Меҳнат ярмаркаси — қулай имконият

***Аҳоли фаровонлигини таъминлашда бандлик катта аҳамиятга эга. Жумладан, ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, уларни иш билан таъминлаш жамият тараққиётига хизмат қилади.***

Юртимизнинг турли ҳудудларида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида мунтазам ташкил этиб келинаётган меҳнат ярмаркаларидан кўзланган мақсад ҳам шу.

**Бандлик**

Айни кунларда пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида ана шундай тадбир бўлиб ўтмоқда. Унда Тошкент шаҳрида жойлашган 208 та йирик саноат корхонаси бўш иш ўринлари билан қатнашаяпти.

— Бу йил Тошкент шаҳридаги мавжуд 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини битирган ўғил-қизларнинг 24 минг нафардан ортиғи ўз соҳаси бўйича ишлаш истагини билдирган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати мутахассиси Шаҳноза Аҳмедова. — Ушбу меҳнат ярмаркаси шундай ниятда юрган ёшлар учун айни муддао бўлди.

Бундан ташқари, 27 та олий ўқув юртини тамомлаган 19 мингдан ортиқ талаба, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар ва меҳнатга лаёқатли фуқаролар ҳам тадбирда иштирок этиб, ўзлари учун маъқул фаолият турини танламоқдалар.



**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қувонарли жиҳати, қитъа чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари рақибларига қарши тенгма-тенг кураш олиб бориб, якунда медаллар сони бўйича етакчилар сафидан жой олишди.

# ЎЗБЕКИСТОН МУАЙ-ТАЙЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Айниқса, 48 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ёш умидли спортчимиз Шерзод Саткинов финалда қозоғистонлик номдор муай-тайчи Бугунбой Куспековни катта фарқ билан мағлубиятга учратгани мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Андижон муай-тай мактаби тарбияланувчиси учун ушбу ютуқ дастлабкиси эмас. У ўз вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони, қатор нуфузли турнирлар ғолиби ҳисобланади.

Тошкент вилоятида туғилган Жасур Мирзамуҳамедов (+ 91 кг.) бугунгача жаҳон ва қитъа чемпионатида совриндор бўлган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Аммо пойтахтимиз мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ғолиб бўлишнинг гашти бошқача. Жасур финалгача бўлган барча жангларда катта устунлик билан зафар қучди. Финалда эса эронлик Акбар Каримийни енгиб, Осиё чемпиони бўлди.

— Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турамиз, — дейди Ж. Мирзамуҳамедов. — Мураббийларим билан чемпионатга қизғин ҳозирлик кўрган эдик. Ана шу меҳнатларимиз эвазига биринчи ўринни қўлга киритдим. Умуман, мусобақалар давомида кучли муай-тайчиларга эга бўлган Таиланд, Қозоғистон ва Эрон спортчиларининг иштироки менда катта таассурот қолдирди. Ушбу ғалабам мени навбатдаги баҳсларда руҳлантириши, шубҳасиз.

Шунингдек, юртдошларимиздан Тошкент вилояти вакили Ғуломжон Ҳалимов (51 кг.) ва самарқандлик Фирдавс Холмуродов (63 кг.) ҳам Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Яна тўрт нафар спортчимиз кумуш, бир нафар ҳамюртимиз эса бронза медаль билан тақдирланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

*вакант ўринларга*

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Маънавият ва ҳуқуқ кафедраси**

Кафедра мудири (илмий даражали)
Профессор (илмий даражали) — 0,5 ставка (ўриндош)

**Информатика ва информацион технологиялар кафедраси**

Кафедра мудири (илмий даражали)
Профессор (илмий даражали) — 0,5 ставка (ўриндош)
Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин
Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин

**Амалий касбий таълим кафедраси**

Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин
Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 0,75 ставка

**Педагогик технологиялар кафедраси**

Кафедра мудири (илмий даражали)
Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин

**Психология ва социология кафедраси**

Кафедра мудири (илмий даражали)

**Таълимда менежмент кафедраси**

Кафедра мудири (илмий даражали)
Доцент (илмий даражали) — 1 ўрин

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:***

* ректор номига ариза;
* ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
* маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
* илмий ишлари рўйхати;
* 3х4 см. ўлчамдаги 2 та фотосурат.

*Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси,
Зиё (собиқ Саидов) кўчаси, 76-уй, кадрлар бўлими.
Телефон: (8-371) 246-90-49.

610Р/711



**MDIS TashKent**

**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти**



*ахборот технологиялари соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган педагогик стажга эга бўлган ҳамда ушбу соҳада фаолият олиб борган ва инглиз тилини мукаммал биладиган ўқитувчиларни ишга таклиф этади.*

- Ахборот тизимлари
- Дастурий ахборотларни қайта ишлаш
- Бизнесда ахборот технологиялари
- Дастурлар ишлаб чиқиш
- Шахс-компьютер мулоқоти
- Объектга йўналтирилган усуллар

Ўзингиз ҳақингизда батафсил ва сиз билан боғланиш бўйича маълумотни қуйидаги электрон почта манзилига жўнатишингиз мумкин: rshadieva@mdis.uz
Маълумот учун ходимлар бўлими билан қуйидаги телефонлар орқали боғланишингиз мумкин: +(99871) 276-92-39, 271-77-01. Мулоқот учун шахс — Раъно Шадиева.

611Б/757


**Интилиш**

***Пахтаобод туманида йилига 90 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга "Ал-сабр" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.***

### Аҳоли дастурхонига — сут маҳсулотлари

Айни пайтда бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида 6 хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 12 киши меҳнат қилаётган корхона аҳоли дастурхонига дастлабки 15 миллион сўмлик маҳсулотини тортиқ қилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"Росагропромснаб" МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

**Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй
(мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)



***ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!***

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

*манфаатли «Омад қувончи» ютуқли омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар 3 ой муддатга йиллик 14% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра, 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.

*Бош соврин — «Нексия» автомобили!*

Ютуқлар тиражи жорий йил август ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.

*ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!*

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.


Низомий номидаги ТДПУ жамоаси Табиий фанлар факультети География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор

**Ҳурбой ВАҲОБОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Молия кафедраси доценти Умар Бурҳоновга отаси

**Абдуалим БУРҲОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Мониторинг бўлими бошлиғи, доцент Заҳро Убайдуллаевага турмуш ўртоғи

**Турсунмет МАМАТҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёт директори Набижон Исломовга отаси

**Мурод ИСЛОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



**_Мамлакатимизда эл саломатлигини асраш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, энг аввало, фаровон келажагимизни таъминлашга хизмат қилаётир. Бинобарин, бугунги кунда соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан етук авлодни камол топтириш борасида амалга оширилаётган хайрли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жойларда замонавий шифо масканлари, ихтисослашган даво муассасалари, скрининг, перинатал ва репродуктив саломатлик марказлари намунали фаолият юритмоқда._**

Бугунги кунда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарғиботига қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Ўз навбатида, мазкур қарорда белгиланган вазифалар, хусусан, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатадиган бирламчи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш каби кенг қамровли чора-тадбирларнинг изчил ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Маълумки, репродуктив саломатликни асраш соғлом фарзандни дунёга келтириш, она ва бола соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган хавфли хасталиклар келиб чиқишига йўл қўймасликнинг кафолатидир. Шу нуқтаи назардан бўлажак оналарнинг ҳомиладорлик даври кўнгилдагидек ўтиши ва бехатар туғуруқни таъминлаш, оналар ва янги туғилган чақалоқларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бевақт ҳомиладорликнинг олдини олиш, юқумли касалликлардан сақланиш, гўдакни фақат она сути билан озиқлантиришнинг афзалликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ёшларимизнинг тиббий маданиятини ошириш сингари ҳаётий долзарб масалаларга жойларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Биргина жорий йил бошидан буён мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этув-

### Ғамхўрлик

чи юзлаб тиббиёт ходимлари махсус ўқув курсларида малака оширганлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

Айни пайтда хотин-қизлар, ўсмир ёшдагилар, оила қуриш арафасидаги ёшлар жалб этилиб, мутахассислар иштирокида суҳбат ва мулоқотлар, савол-жавоб ҳамда тренинг машғулотлари ўтказилмоқда. Бу каби тадбирларда саломатликка эътиборли бўлиш, зарарли иллатларга берилмаслик, соғлом ва фаровон оила қуришнинг муҳим омиллари ёшлар онгига чуқур сингдирилаяпти. Шу ўринда жойларда, хусусан, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла идоралари қошида хотин-қизлар маслаҳатчилари кенгаши, фаол аёллардан таркиб топган тарғибот гуруҳлари ташкил этилганлиги ушбу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бугунги кунда бепуштликнинг олдини олиш репродуктив саломатликни асраш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторига киради. Статистик маълумотларга кўра, айни пайтда юртимизда 15-20 фоиз оилаларда ана шундай муаммо аниқланган. Ўз навбатида, қайд этиш жоизки, бепуштлик нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири ҳамдир. Шуни инобатга олган ҳолда жойларда бепуштликдан азият чекаётган оилаларнинг ижтимоий ҳолати ва уларнинг репродуктив саломатлигини асраш билан боғлиқ масалалар юзасидан таҳлиллар олиб борилди. Яқинда Самарқанд, Қашқадарё, Андижон ва Тошкент вилоятларида ўтказилган шу каби тадбирлар натижасидан маълум бўлдики, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, ўз саломатлигига эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ сингари сабаблар туфайли шу сингари муаммолар келиб чиқмоқда. Ваҳолонки, бугун юртимизнинг энг олис қишлоқ ҳудудларида ҳам замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Барча вилоятларда етакчи олим ва мутахассислар гуруҳидан иборат "Саломатлик дорилфунунлари", "Оила ва никоҳ" маслаҳатхоналари, махсус тиббий-генетик хоналар, даволаш муассасалари қошида эса Аёллар маслаҳатхоналари мавжуд. Никоҳдан сўнг 1-1,5 йил давомида ҳомиладорлик кузатилмаса, кечиктирмай ушбу масканлардаги малакали мутахассисларга мурожаат этиш лозим. Негаки, муаммони бартараф этиш учун ўз вақтида зарур муолажалар қўллаauthor, даволаш самарадорлигига эришиш мумкин. Фикримизча, аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг бу борадаги тушунчаларини кенгайтиришда соғлиқни сақлаш тизими ходимларидан ташқари кенг жамоатчилик, хусусан, маҳалла фаоллари, ўқув муассасалари ва ёшлар билан ишловчи ташкилотлар ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Зеро, бу билан ҳар биримиз ёруғ келажагимизни таъминлашга ўз улушимизни қўшган бўламиз.

**Умида ВАФОҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходими, тиббиёт фанлари номзоди.**

---

_Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Хоразм танбур чизиғи" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди._
_"Фонд Форум", Хоразм Маъмун академияси, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Ихтисослаштирилган илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда санъатшунослар, мусиқашунослар, талаба-ёшлар, мусиқа ихлосмандлари иштирок этди._

# «ХОРАЗМ ТАНБУР ЧИЗИҒИ»

Миллий мусиқа тарихимиз жуда олис замонларга бориб тақалади. Маълумотларга кўра, куйларни қоғозга туширишга бир неча аср аввал киришилган. Хоразмда XIX асрда ихтиро қилинган нота ёзуви асосида уста созандалар иштирокида Хоразм мақомларининг тўлиқ мажмуаси китоб ҳолига келтирилди. Машҳур

### Тақдимот

ҳофизлардан бўлган Искандар Ёқуб ўғли "Хоразм танбур чизиғи"нинг намунасига эга эди. Йиллар ўтгач, ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандлари, сўнг набираси Ҳофиз Олланазаровга мерос бўлиб қолади.

Ҳофиз Олланазаров "Хоразм танбур чизиғи" қўлёзмасини 2002 йилда Президентимизга тақдим этган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур ноёб қўлёзма асарни Ўзбекистон Давлат консерваториясига туҳфа этган.

Ушбу қўлёзма асосида мусиқашунос олимлар Отаназар Матёқубов, Рустам Болтаев ва Ҳамидулла Аминов "Хоразм танбур чизиғи" китобини нашрга тайёрлади. Китоб тадқиқот, танбур чизиғи ноёб нусхасининг факсимили ва уни нота тизимига ўгирилган табдилот бўлимларидан иборат. Ушбу асар кенг доирадаги мусиқа ихлосмандлари, тадқиқотчилар, талабаларга мўлжалланган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ПИАНИНОЧИМИЗНИНГ БЕРЛИНДАГИ ЮТУҒИ

**_Озод юртимизнинг бахтиёр фарзандлари юксак ғамхўрлик ва эътибордан руҳланиб, ўзларида бор имконият ва салоҳиятни тобора дадил намоён этмоқдалар. Уларнинг юртимиз ҳамда жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли танлов ва фестивалларда эришаётган ютуқлари, илм-фан ва спорт соҳасидаги ҳавас қилса арзигулик муваффақиятлари фикримиз тасдиғидир._**

Ана шундай истеъдодли ёшлардан бири — Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Тоҳиржон Асқаров яқинда яна бир ютуқни қўлга киритди. У ёш мусиқачиларнинг Германия пойтахти Берлинда ўтказилган "Sforzando" номли танловида иштирок этиб, иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ёш пианиночининг жаҳондаги ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари орасида шундай юқори натижага эришганлиги мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

### Хушхабар

— Танловда тўққиздан ўн саккиз ёшгача бўлган юз нафарга яқин ёшлар иштирок этди, — дейди Т. Асқаров. — Қатнашчилар орасида иқтидорли мусиқачилар кўп эди. Юртимизга ёруғ юз билан қайтиш ниятида астойдил ҳаракат қилдим. Танлов ҳайъати мусиқий ижроимни ижобий баҳолаб, келажагимга умид билдирганлигидан хурсандман.

Қувонарлиси, бугунги ютуқ мусиқага ихлосманд Тоҳиржоннинг халқаро танловда қўлга киритган ягона муваффақияти эмас. У 2007 йилда Италияда бўлиб ўтган "Le Muse" номли халқаро кўрикда ҳам ғолиб деб топилган ва ўша йили Президент стипендияси ҳамда Юртбошимизнинг совғаси — пианино, компьютер билан тақдирланган эди. Бундан ташқари, ёш мусиқачи Италия, Франция, Германия сингари ўнга яқин мамлакатларда ўтказилган қатор танлов ва фестивалларда фахрли ўринларга сазовор бўлган. Тоҳиржон Асқаров бугунги кунда пойтахтимизда ўтказиладиган кўплаб концерт дастурлари, ижодий анжуман ва тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Энг муҳими, қалбида санъатга ихлос, мусиқага муҳаббат ҳислари чуқур илдиз отиб бораётган Тоҳиржон сингари иқтидор эгалари юртимизда кўп ва улар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

**Муборак ОХУНОВА.**

---

# ҒИЖДУВОНДАН ФРАНЦИЯГА

**_Ғиждувонлик кулол Абдулла Нарзуллаев Франциянинг Роанн шаҳрида ўзининг шахсий кўргазмасини ўтказди._**

Франциядаги "Темурийлар" ассоциацияси, "АМАР" ҳунармандлар уюшмаси ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси таклифи билан мазкур мамлакатда ижодий сафарда бўлган кулол маҳаллий ҳунармандларга ўз касб сирларини ўргатди. Улар билан ҳамкорликда ўзбек миллий сопол буюмларини тайёрлади. Устанинг чарх айлантириб, нафис шокоса ва лаганлар ясаши француз халқ амалий санъати ихлосмандларини ҳайратга солди. Икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган кўргазмани қисқа муддат ичида ўн минг нафардан зиёд киши томоша қилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАҲОРАТИ

**_Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, ўқув даргоҳининг амалий санъат йўналишида таълим олаётган иқтидорли ёшларнинг компьютер графикаси услубида яратган ижод намуналари санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди._**

Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилган мазкур кўргазма ёш ижодкорларнинг истеъдодини рағбатлантириш, уларнинг изланиш ва тадқиқотларини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш имконини бераётир. Аҳамиятлиси шундаки, аксарият талабаларнинг битирув тадқиқоти сифатида тайёрлаган ижодий ишлари нафақат санъат мухлислари, балки мамлакатимиздаги айрим ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялар мутахассисларининг ҳам эътиборини тортмоқда. Хусусан, "Шарф-ширин" фирмаси, "Cinema production" компанияси сингари тадбиркорлик субъектлари остида ёшлар ижодига мансуб дизайнлардан маҳсулотлар рекламасида фойдаланиш таклифини билдиришди.



### 2010 йил — Баркамол авлод йили

Бундан бир неча кун аввал ёш дизайнер Нигора Суннатова "O`zbegim" бренди остида ишлаб чиқариладиган чой маҳсулотлари рекламаси учун ёрлиқлар яратган эди. Нигоранинг ижодий имкониятларини ҳисобга олиб, у билан шартнома тузган ишлаб чиқарувчилар талабанинг маҳорати, дид ва салоҳиятига тан беришмоқда. Ўз навбатида, институтдаги устозлар ҳам Нигора сингари талабаларнинг бундай ютуқларидан мамнун.

— Ўқув даргоҳида қобилиятли ёшларимизнинг иқтидорини юксалтириш учун барча шарт-шароитлар етарли, — дейди институт компьютер графикаси кафедраси доценти Серикбой Пирматов. — Замонавий ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари, ижодий устахона ва студиялар мавжуд. Талабалар бу каби имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган кўргазмалар, санъат фестиваллари ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

— Мультипликация санъатига қизиққаним боис компьютерда болалар учун бир нечта анимацион фильмлар эскизини яратдим, — дейди Дилноза Жалилова. — Бугун дунё миқёсида ёшлар маънавиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган "оммавий маданият" иллатлари кўпайиб бораётган бир пайтда болажонларга атаб эзгулик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар тараннум этилган, аждодларимизнинг жасорати ва қаҳрамонлик хислатларидан ҳикоя қилувчи мультфильмлар ўзимизда кўпроқ яратилиши керак. Биз, ёшлар ана шу мақсадда ижод қилаяпмиз. Яқин орада менинг "Самовий меҳмон" номли қисқа метражли анимацион фильмим 3D форматли дискларда ёш томошабинларга тақдим этилади.

**М. АНВАРОВА.**

---

### Кўргазма

**_Самарқанд шаҳридаги "Ҳунармандлар маркази"да Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол Шариф Азимовнинг "Хум ва кўзалар сеҳри" деб номланган асарлари кўргазмаси иш бошлади._**

# «ХУМ ВА КЎЗАЛАР СЕҲРИ»

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларидан уста, кулоллар ва ҳунармандлар қатнашди.

— Шариф Азимов Самарқанд кулоллик мактаби довруғини дунёга ёйган ҳунармандлардан бири, — дейди республика "Ҳунарманд" бирлашмаси вилоят бўлими бошлиғи Акобир Ҳакимов. — Унинг асарларида миллийлик, такрорланмас бадиий услуб яққол акс этиб туради. Ўн кун давом этадиган ушбу тадбир бу ерга ташриф буюраётганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Айтиш мумкинки, Шариф Азимов кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида АҚШ, Англия, Германия, Россия, Қозоғистон каби жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб, анъаналаримиз, урф-одатларимиз акс этган кулоллик асарлари орқали ўзбек миллий амалий санъатини дунё бўйлаб намойиш этаётир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# БЕҒУБОР ҲАЁТ ТАРҒИБОТИ

**_Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Ёшлар — гиёҳвандликка қарши!" мавзуида фестиваль бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, ОИТСга қарши курашиш маркази, "Маҳалла", Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда турли соҳа вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди._**

Таъкидлаш жоизки, инсоният ҳаётига, келажагига жиддий таҳдид бўлмиш гиёҳвандлик иллати кейинги йилларда дунёнинг барча мамлакатлари аҳолисини ташвишга солмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида бу иллатнинг ол-

### Фестиваль

дини олиш, бартараф этиш юзасидан барча чоралар кўрилаётир. Хусусан, Тошкент вилоятида шу мақсадда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар, тушунтириш ҳамда тарғибот тадбирлари ўз ижобий самарасини бераётир. Муҳими, бундай тадбирлар натижасида ёшларимиз "аср вабоси" дея қораланаётган гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини чуқур англаб, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

"Ёшлар — гиёҳвандликка қарши!" фестивалини ҳам ана шундай тадбирлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Унда намойиш этилган саҳна кўринишлари иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Ф. БЎТАЕВ.**

---

# ОБ-ҲАВО (30 июнь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.20 1 2 4 5